БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
19 январь
Жума
№ 14 (13.450).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Қилинадиган ишнинг
олдин бўлиши ҳамиша яхши.
Бугун қор огушидаги
далалар, қирларда ҳали замон
юмушлар бошланади.
Албатта, деҳқончиликка
биринчи «қадам»ни
техникалар қўяди.
Қалинин ноҳиясидаги
«Партия XXI съезди»
совхозида ҳам шу.
Ҳозир бу ердаги
устахоналарда техникани созлаш,
ускуналарни тартибга келтириш
қизгин кетяпти.
Яратилган шароитлар
қисман бўлса-да,
ишчиларни қониқтиради.
Суратдаги Мурод Омонов
2-бўлимда
механизатор бўлиб ишлайди.
У ўз тракторини
шай қилиб бўлди.

Сурат муаллифи
Б. АЛИМОВ.

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИБ, НАРХ-НАВО ОШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Республика партия-хўжалик фаолларининг 17 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида савдо-сотиқни ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш соҳасида 1989 йилда қилинган ишларнинг якунлари ҳамда партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишда министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йирик муассасалари ва корхоналари партия комитетларининг секретарлари қатнашдилар.

Фаоллар йиғилишини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов йиғилишда асосий доклад қилди. Кейинги икки йил мобайнида республиканинг барча савдо ташкилотлари чакана товар обороти планларини муттасил бажариб келаётганликлари, комиссион савдонинг салмоғи ошганлиги, товарларнинг нормативдан ортиқча запаслари қисқарганлиги таъкидланди.

Бироқ, деб таъкидланди йиғилишда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳали ҳам суст бормоқда. Бу соҳада ҳамон бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик услуби устунлик қилмоқда, лоқайдлик, туб ўзгартишлардан чўчиш кайфияти кучли. Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, харидоргир бир қанча ноозиқ-овқат моллари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Эндиликда совун, кир ювиш воситалари, гилам, ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари ҳам шу рўйҳатга кириб қолди. Ҳозир бозорнинг номутаносиблигига чек қўйиш, нарх-навонинг кўтарилишини ва пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш, республиканинг бутун иқтисодиётини соғломлаштириш зарурлиги йиғилишда уқтириб ўтилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, республика халқ контроли комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ДАДИЛ ВА ПРИНЦИПИАЛ КИШИЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни яқинлашиб келмоқда. Аввалги чақириқ депутатлар корпуси эса ўз фаолиятини яна бир бор таҳлил этмоқда. ЎзТАГ мухбирларининг илтимосларига кўра маҳаллий Советлар нималарни амалга ошира олдию, нималарни амалга оширишга муваффақ бўлмагани, «янги» депутатларнинг иш услубида нималар ўзгариши лозимлиги тўғрисида Ғиждувон район ижроия комитетининг раиси Матлуб Нуъмонович Нуъмонов ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди:

— Менимча, қайта қуриш ҳар қандай қийинчиликларга қарамай жадаллашиб бормоқда. Буни Ғиждувон райони мисолида ҳам ҳис этиш мумкин. Энг аввало, ниҳоят, қишлоқда кўпгина етилган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга киришилди. Район хўжаликларида икки йил мобайнида хўжалик ҳисоби йўли билан саккизта фельдшерлик-акушерлик пункти, олтита ҳаммом, 320 ўринли болалар боғчалари қуриб битказилди. Марказий район касалхонаси кенгайтирилди. Қишлоқ хўжалиги янги босқичга кўтарила бошлади. Хўжалик юритишнинг янги шакллари — оила ва ижара пудрати, деҳқон фермалари кенг жорий этилмоқда. Қўшимча ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиниши қишлоқликлар турмушида диққатга сазовор воқеа бўлди. Бизда ҳозиргача 12300 оила ана шундай ер олди, 3280 оилага якка тартибда уй-жой қуриш учун участкалар ажратилди. Депутатлар, доимий комиссияларнинг фаолияти кучайди. Район Советининг депутатлари сайловчиларнинг 123 та наказини бажардилар.

Шунга қарамай, районда ҳал бўлмаган муаммолар ҳали анча кўп. Аҳолини иш билан таъминлаш шу муаммоларнинг энг муҳимидир. Статистика маълумотларига кўра ҳозирги кунда районда қарийб олти минг кишиқ ишламаяпти. Бу рақам аввалги йилларда яна ҳам юқори эди. Хўжаликлар раҳбарларининг, маҳаллий Советлар депутатларининг куч-ғайрати билан бу йўналишда муайян ишлар қилинди. Колхозларда олтита ғишт заводи фойдаланишга топширилди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тўртта филиали очилди. Волгоград, Оренбург ва Кемерово областларидаги хўжаликлар билан шартномага мувофиқ у ерларга мавсумий ишларга 500 киши юборилди. Паранда фабрикасининг иккинчи навбати ва пойафзал фабрикасининг филиали битай деб қолди. Бу ерда қарийб минг киши ишлайди. Бироқ, ҳозирги беш йилликда камида 10 минг кишини ишга жойлаштиришга тўғри келади, чунки ишламаётганлар кўпайиб бормоқда. Бу эса янги чақириқ район Советининг бош вазифасига айланиши керак. Ҳамонки, районда социал жиҳатдан таъминланмаган оилалар кўп экан, ишламаётган аёллар кўп экан район территориясида енгил саноат корхоналарининг, қайта ишлаш заводларининг филиалларини шошилинч равишда планлаштириб қуриш, касаначиликни ривожлантириш зарур.

Одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Районда болалар ўлими юқорилиги, юқумли касалликлар кенг тарқалганлиги факти билан чиқиша олмаймиз. Биронта ҳам типовой қишлоқ участка касалхонаси бўлмаган бир вақтда саломатлик тўғрисида қандай гап бориши мумкин? Медицина муассасаларининг моддий-техника базаси ниҳоятда заиф.

Депутатларнинг янги корпуси бошқа ўткир ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал қилиши керак бўлади. Райондаги барча мактаблар икки сменада ишлайди, ҳатто уч сменалик мактаблар ҳам бор. Мактабгача болалар муассасаларига бўлган талабнинг атиги 28 фоизи қондирилган, барча аҳоли пунктларининг учдан бир қисмигина газлаштирилган. Аҳолининг атиги 30 фоизи водопроводдан фойдаланади.

Сайловчилар, улар билан бирга бизлар ҳам янгидан сайланаётган Советлар аввалги хатоларни такрорламай, ҳокимиятни ҳақиқатан ҳам ўз қўлларига олиб, қишлоқни қайта ташкил этиш муаммосини илгаригидан фаолроқ ҳал этишларига умид қиламиз. Бунинг учун эса сайловчилар тўғри йўлни танлашлари лозим. Улар жаҳолат ва принципсизликка қарши қатъий тура оладиган ҳалол, ақлли кишилар учун овоз беришлари зарур.

К. БАҚОЕВ.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан

Кейинги кунларда Бокуда, Озарбайжоннинг бошқа бир қанча аҳоли пунктларида, шунингдек, Арманистоннинг баъзи районларида фожиали воқеалар содир бўлди, бу воқеалар совет кишиларининг қалбларига алам солди. Қон тўкилди, арман, озарбайжон ва бошқа миллатларга мансуб кишилар орасида қурбонлар бўлди.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзия изҳор этамиз, азият чеккан барча кишиларга астойдил ҳамдардлик билдирамиз.

Мамлакат раҳбарияти бебошлик ва жиноят фактларидан совет кишиларининг қаҳр-ғазабига қўшилиб, зўравонликнинг қатъиян пайини қирқиш, ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш, фалокатзадаларга моддий ёрдам бериш ва айбдорларни қаттиқ жазолаш учун зарур чораларни кўрмоқда.

СССР Мудофаа министрлиги, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетида

Сўнгги кунларда Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг турли районларида қурол-яроғ, портловчи моддалар, жанговар техника ва асбоб-анжомларни қўлга киритиш мақсадида Совет Армиясининг, СССР ички ишлар органларининг ва Давлат хавфсизлиги комитетининг қурол-яроғ ва ўқ-дори омборларига, бошқа объектларга талон-тарож учун ҳужум қилиш ҳоллари бўлди. Қўлга киритилган қуроллардан босқинчилик, қароқчилик, регионадаги кескинликни янада ажв олдириш мақсадида фойдаланилмоқда. Жиноятчи ва экстремист унсурларнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари чоғида зўравонлик, дағдаға қилинмоқда, қурол ишлатилмоқда, бунинг оқибатида ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида ҳалок бўлганлар ва ярадорлар бор.

Совет Армияси ва Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг ҳарбий хизматчилари, милиция ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари ана шу мураккаб вазиятда имкони борича бардошли ва оғир-вазмин бўлмоқдалар. Улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам қон тўкилишига йўл қўймаслик мақсадида жиноятчиларга қуролли зарба беришдан ўзларини тийиб турдилар.

Аммо ана шундай талончилик хатти-ҳаракатларнинг миқёслари ниҳоятда кенгайиб кетганлиги натижасида сира чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келди. СССР Мудофаа министрлиги, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети раҳбарияти Устав талабларига ва амалдаги қонунларга қатъиян мувофиқ тарзда шахсий состав томонидан қурол ишлатиш тўғрисида кўрсатма берди.

Мазкур чоралар жиноятчи унсурлар бундан буён ҳам қурол-яроғни қўлга киритишларининг олдини олишга, тинч аҳоли ўртасида яна қурбонлар бўлишига йўл қўймасликка, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимларининг ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

БУ ҲАҚДА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

Вилоят комсомол конференцияларининг кўпи бўлиб ўтди. Уларнинг ҳаммаси ҳам камчиликлардан ҳоли бўлмасада, бир нарсани аниқ кўрсатди: комсомол карахтлик, ёшларни бутунлай назорати остида чиқариб юборган босқични ортда қолдириб фаол позицияга ўта бошлади. Ёшларни ўйлантираётган барча масалага ўз таъсирини ўтказишга, уларнинг барча қатламларини назардан қочирмасликка, дадил йўл кўрсатиб беришга ҳаракат қила бошлади. Бу комсомолнинг жамиятимиздаги бошқа кучлардан моддий ва шу туфайли келиб чиқадиган сиёсий томонлардан устунлигини кўрсатмоқда. Комсомол олдига қўйган вазифаларнинг муваффақиятли амалга ошишига яна бир омил — ёшларнинг тарқоқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳамжиҳатлик эса уларга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур эди...

● **БЎЛИБ ЎТГАН** конференцияларда анча фойдали таклифлар айтилди. Масалан, Наманган, Сурхондарё комсомоллари бошланғич ташкилотларда ишлар ўлда-жўлда бўлиб ётгани, котиблар иш билмасликларини қайд эта туриб, ноҳия, вилоят, жумҳурият комсомол қўмиталарининг энг тажрибали ,ишбилармон ходимларни бошланғич комсомол ташкилотларига ишга юбориш ва шу билан ички союз ишларини йўлга қўйиш ғоясини илгари сурдилар.

● **САМАРҚАНДЛИК** комсомоллар Наврўз байрамини дам олиш куни деб эълон қилиш таклифи билан чиқдилар. Жиддий ва жуда ўринли таклиф. Умид қиламизки, жумҳуриятимиз Олий Совети самарқандлик комсомолларининг бу таклифини қўллаб қувватлайдилар.

● **ХОРАЗМЛИК** комсомоллар ўз конференцияларида Боғот ноҳиясидаги «Коммуна» колхозида ташкил этилган «Ёш ленинчи» газетаси номли боғни Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ўз оталиғига олиш таклифи билан чиқдилар. Боғда, ёшлар маркази, «Сабоқ» номли қарияларнинг ёшлар билан мулоқот клуби, «Ёш ленинчи» газетаси музейи очиш кўзда тутилмоқда. Клубда отахонларимиз йигит-қизлар билан маънавий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз тўғрисида суҳбатлашган бўлишарди. Шу мақсадда ишлатиш учун конференция Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасига ёшлар лотереясидан тушган маблағдан маълум миқдорини ажратишни сўраб мурожаат қилишди.

● **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** вилоят комсомол конференцияси СССР табиатни сақлаш Давлат қўмитаси, СССР Фанлар академияси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда жумҳуриятимиздаги тегишли ташкилотларга эксперт комиссияси тузиб, территория яшашга ,ишлашга яроқлилигини қўшимча равишда текшириш, Орол бўйи регионидан сайланган ВЛКСМнинг XXI съезди делегатларига эса шу йилнинг март ойида Нукус шаҳрида Орол муаммоларига бағишланган учрашув ўтказиш мурожаати билан чиқдилар.

СИЗ ЁҚТИРГАН ТАОМЛАР

ФАРҒОНАДАГИ «Гўзал» кооператив чойхонасида ўзингиз ёқтирган миллий таомни тайёрлашга буюртма беришингиз ва ўзингиз белгилаган вақтда уни тановвул қилишингиз мумкин. Бундай муассасалар тўғрисида салбий фикрлар қанчалик кўп бўлмасин, бу чойхона хўрандалари хизмат кўрсатишнинг ана шундай шаклини маъқул кўрмоқдалар. Бу ердаги атиги беш кишидан иборат ходимлар ўзлари бозорга бориб, керакли нарсаларни харид қиладилар ва хушхўр таом тайёрлаб, буюртмачини ортиқча ташвишлардан халос этадилар. Кенг умумий залда ёки бу ердаги ўн битта шинам хонадан бирида ўтириб, лаззатли таомни бамайлихотир тановвул қилавериш мумкин.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

МЕВА қоқилар, майиз, қовун қоқи, қуритилган сабзавот каби лаззатли маҳсулотларнинг барчасини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ишлаб чиқилган технологик линияда тайёрлаш мумкин. Технология линиясининг конструкцияси оддий бўлиб, ундан ҳар қандай хўжаликда фойдаланиш мумкин. Бундай қурилма ёрдамида маҳсулотнинг суви қочирилади, натижада улар тезроқ қурийди. Бундан ташқари бундай технология билан ишлаганда энергия ҳозиргига нисбатан 1,5—1,8 баравар кам сарфланади, маҳсулот сифати юқорироқ бўлади. Унинг таннархининг пасайиши кўпчиликка бу линияни сотиб олиш имконини беради.

Биринчи саҳифага мактуб

«ҚЎМИТА» «КОМИТЕТ» МИ?

Ёшларнинг катта анжуманларидан бирида ёнимда ўтирган фарғоналик йигит сўраб қолди:

— «Қўмита» комитет сўзининг бузилгани экан, тўғрими? -

Унинг бундан ранжиётгани, қолаверса, ўзимизда шу сўз йўқ экан-ку, мана энди, шу туфайли таъна эшитаяпмиз, деган маънода гапираётгани аниқ эди.


Авваламбор, шуни айтиш керакки, ўзбек тили камбағал тил эмас, бу тилни камбағал деганларнинг ўзлари камбағалдир. Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк алломалар худди шу тилда сўзлашган. Бунинг учун фахрланиш керак. Иккинчидан, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, «бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!» Тилимизнинг синонимларга бойлигини айтмайсизми?! Лекин биз улардан ўринли фойдаланишга нўноқмиз. Пахта дея ҳамма нарсани унутдик. Гўё пахта биз учун битмас-туганмас илм манбаи, ширин турмуш гарови эди. У эса бизни барча буд-шудимиздан айирди.

Мен тенгилар турғунлик йилларида вояга етишди. Мактабда Навоийни тушунолмай ўсдик, аниқроғи, бизга тушунтира олишмади. Шахсан мен адабиётда «кимнидир тан олиш керак-ку» деб ўйлардим. Хайрият, толиблик пешонада битган экан: институт кўзимизни очди. Навоий бино этган қаср шунчалик сержило, шунчалик нурафшон экан-ки, уни фақат буюк маърифатпарвар шоирнинг ўзигина ифодалаб беришга қодирдир. Афсус, «кейинги пушаймон, ўзимизга душман» бўлди. Биз бу нўноқлигимиздан жабр чекдик. Бугунги уринишларимизнинг, куйинаётганимизнинг, курашаётганимизнинг боиси шуки, бу «касаллик» укаларимизнинг, сингилларимизнинг яқинига ҳам йўламасин.

Бу гапларни ўқиб туриб, фарғоналик дўстимиз яна ажабланиши мумкин: тилимиз шунчалик сержило, бой экан, нега унинг орасидан «комитет»га мос келадиганини топа олмадик? Ёки шунга яқинроғини танламадик. Сўз ниҳол эмаски, уни ўстирсак. Ёки у гавҳар эмаски, ердан қазиб олсак. Лекин ҳаётни инкор этиб бўлмайдиган шундай қатъи қоидаси бор: янги ҳосиланинг пайдо бўлишига нимадир туртки бўлади. Ажабланадиган жойи йўқ. Ўз пайтида туркий тиллар, шахсан ўзбек тили рус тилининг сўз бойлигини оширишда катта роль ўйнаган. Масалан, ҳанузгача айрим шеваларимизда «ўтук», «брук» сўзларини ишлатиш сақлаб қолинган. «Колбаса» сўзи эса «қўлда босмоқ» сўзидан олинган. «Собака» қадимги «спака» сўзининг ўзлаштирилганидир. Ёки русларда энг кўп ишлатиладиган «товариш» сўзини олиб кўрайлик. Туркий тилларда у қўшмасўз ҳисобланган. «Товар», яъни сотиш учун мўлжалланган мол. «Эш» сўзи эса ҳозирги тилимизда ҳам мавжуд. «Эш» чақалоқнинг йўлдошидир. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз «шерик», «ўртоқ», «ҳамдам» маъноларида ишлатилади. Шу тариқа бу икки сўз рус тилига «товар (мол, юк)ларни сотишда шерик» маъносида кириб борган.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Худди шундай, Октябрь инқилобидан кейин рус тилидан жуда кўп сўзлар тилимизга кириб келди. Биз уларнинг айримларини ҳатто таниёлмай қолдик. Масалан: «Утюг» сўзи бунга мисол бўла олади. Кўриниб турибдики, сўз ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. «Қўмита» сўзи «комитет» сўзининг бузилгани бўлса, бундан ранжиш, юракни ўрташ беҳуда ва ортиқча ташвишдир.

Тўлқин ҲАЙИТ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР ВА ЗАҲИРАДАГИ ЖАНГЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Мамлакатимизда чуқур инқилобий ўзгаришлар юз бермоқда. Жамият олдида турган муаммо ва вазифаларни ҳал этишнинг янги шакл ва услубларини ижодий излаш давом этмоқда.

Жумҳуриятимизнинг байналмилалчи ва заҳирадаги (запасдаги) жангчилари партиянинг инқилобий ўзгартишлар йўналишини тўла қўллаб-қувватлайдилар, доимо бу жараённинг илк сафларида бўлишга интиладилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг илк одимларини, даврни, партия ва давлат томонидан қабул қилинган сўнгги қарорлар талаб этган ўзгаришлар ва вазифаларни англаб етиш бу ҳаракатга сезиларли тузатишлар киритади.

Байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар Кенгаши, ҳарбий ватанпарварлик клублари ва уюшмалари яратилишидан бошланган ташаббус бугунги кунда жамиятнинг маънавий-ахлоқий иқлимига сезиларли таъсир этадиган янги ижтимоий кучга айланиб бормоқда. Аммо, амалиёт ва вақтнинг кўрсатишича, бу ҳаракат ҳозирча ўз-ўзича ривожланмоқда, ташкилий тузилишига эга эмас, заҳирадаги жангчилар кенгаши ва унинг уюшмалари ҳаракатида аниқ ва эркин дастур йўқ.

Ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳали паст савияда. Байналмилалчи жангчиларга, ногиронларга, Афғонистонда ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларига етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти.

Ўзбекистон ССР байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилари мухтор вакиллари қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилари Ассоциацияси тузилсин. Ўзбекистон ССР байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилари Ассоциациясининг Қоидалари ва Низоми тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ҳайъатига кафолатчиси Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи бўлган Ўзбекистон байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилари Ассоциациясини қайд этиш сўралсин.

3. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари комитети каби таъсис этувчи ташкилотлардан Ассоциациянинг Низом фондини яратишда молиявий ёрдам сўралсин.

Ассоциацияни ташкил этиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон ССР Нозирлар Кенгаши томонидан қайтиб бериш шарти билан 250 минг сўм ажратилганлиги эътиборга олинсин. Ана шу сабабли Нозирлар Кенгашидан юқоридаги пул миқдорини 1992 йилдан бошлаб уч йилда тўлаш, 1993 йилдан эса истисно тариқасида Ассоциациянинг тузилажак корхона ва ташкилотларини солиқлардан, шунингдек, хайрия ишларига йўналтирилган тушум ва фойдалар қисмини белгиланган тўловлардан озод қилиш сўралсин.

Жумҳуриятда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ривожлантириш, уларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Нозирлар Кенгашидан бу ишларни амалга ошириш учун қайтариб бермаслик шарти билан 1 миллион сўм ажратиш сўралсин.

4. Ассоциациянинг жумҳурият Кенгаши унинг жойлардаги бўлимлари:

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ВА БАЙНАЛМИЛАЛ ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СОҲАСИДА

— Жумҳурият байналмилалчи ва заҳирадаги жангчиларининг ноҳия, шаҳар, вилоят бўлимларининг аниқ ва фойдали шамойилини тузишда керакли ишлар амалга оширилсин.

Ана шу мақсадларда 1990 йилнинг биринчи ярмида мавжуд заҳирадаги жангчилар кенгашлари ва ҳарбий-ватанпарварлик уюшмалари асосида жумҳурият миқёсида таъсис йиғилиши ҳамда Ассоциациянинг барча савиядаги территориал бўлинмалари ташкил этиладиган конференция ўтказилсин.

— Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари Маҳаллий Советларига халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ишида кўрмаклашилсин Ўзбекистон касаба союзлари Комитетида ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида байналмилалчи жангчилардан халқ депутатлигига номзодларни қўллаб-қувватлаш сўралсин;

— ҳарбий-ватанпарварлик, байналмилал тарбияни такомиллаштириш, ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва уюшмаларини тузиш ҳамда ривожлантириш ишлари ташкил этилсин. Ана шу мақсадларда клубларнинг раҳбарлари ва аъзолари аттестациядан ўтказилсин. Клуб ишининг ўзига хос дастури ишлаб чиқилиб, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича жумҳурият ўқув-методика маркази ташкил этиш юзасидан тегишли органларга таклиф киритилсин.

Манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан биргаликда:

— ҳарбий-ватанпарварлик уюшмаларини моддий-техника жиҳатдан таъминлаш юзасидан ҳар томонлама тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

— ёш армиячилар жумҳурият штаби билан биргаликда «Бургутча», «Зарница» ва бошқа ўйинлар ўтказилсин, энг яхши ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва уюшмаларининг тажрибаси оммалаштирилсин;

— округдаги ҳарбий қисмлардан бири базасида парашют-десантчилар тайёрлаш маркази яратилсин. Клубдаги курсантлар қайси соҳа бўйича тайёрланган бўлса, уларнинг ўша турдаги Қуролли Кучларга мақсадга йўналтирилган чақирилувчи масалалари ҳал этилсин;

— «Хотира» программаси ишлаб чиқилиб, 1990—1991 йиллар ичида, ҳалок бўлган аскарларнинг номларини мактаблар, кўчалар, кашшофлар, отрядларига, дружиналар, ишлаб чиқариш бригадаларига ва ҳоказоларга қўйиш йўли билан уни амалга ошириш ишлари ўтказилсин. Байналмилалчи жангчиларнинг Хотира Китобини яратиш бўйича ишлар давом эттирилсин;

— ҳалок бўлган байналмилалчи жангчиларга Иттифоқ, жумҳурият, вилоят миқёсидаги ёдгорликлар ўрнатиш масаласи фақатгина байналмилалчи жангчилар Ассоциацияси Кенгашининг ва Ўзбекистон ССР заҳирадаги жангчилар жумҳурият конференциясида ёки йиғилишида ҳал этилиши белгилаб қўйилсин;

— байналмилалчи жангчиларнинг меҳнат ва жанговар хизматлари, жумҳуриятдаги ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва уюшмалари ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи даврий нашрлар, плакатлар, рисолачалар чиқариш амалга оширилсин;

— Ўзбекистон ССР байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар Ассоциацияси қошида ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари марказини яратишга йўналтирилган чоралар мажмуаси ишлаб чиқилсин. Жумҳуриятда «Солдат қўшиғи» анъанавий фестивали ўтказиш таъсис этилсин;

— ҳар йили байналмилалчи жангчиларнинг Хотира куни ва Совет Қуролли Кучларининг шонли анъаналарига бағишланган бошқа байрамлар ўтказилсин;

— Ассоциациянинг ишида кенг ошкораликка эришиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида ёшлар газеталари редакциялари қошида Ассоциациянинг «Матбуот маркази» чиқарилишида фаол иштирок этилсин. Ассоциациянинг нашр органларини яратиш масаласи кўриб чиқилсин.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАР, НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ВА ТИББИЙ РЕАБЕЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

Тошкент шаҳри байналмилалчи жангчиларининг «Байналмилалчи» ЁУЖК қурилиши ташаббуси қўллаб-қувватлансин, жумҳуриятнинг бошқа регионларида ҳам уларни яратиш имкониятлари ўрганилсин:

— манфаатдор нозирликлар ва идоралар билан биргаликда илғор технологиялар асосида жумҳуриятда протезлаш маркази очишда иштирок этиш;

— 1990 йил ичида «Байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига имтиёзлар рисолачасини чиқариш, ногиронлар, ҳалок бўлганлар оилаларига байналмилалчи жангчилар ҳаёти ва турмуши, шароитларидан доимо воқиф бўлиб туриш;

— ногиронлар шуғулланадиган спорт турлари ривожига алоҳида эътиборни қаратиш, Тошкент шаҳридаги «Матонат» клуби базасида жумҳурият ногиронлар спорти маркази тузиш таклифини қўллаб-қувватлаш;

— Ассоциация қошида байналмилалчи жангчилар, ногиронлар, ҳалок бўлганлар оилаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий хизматни ташкил этиш;

— ишга жойлаштириш ва заҳирадаги жангчиларни ўқитиш бўйича масалаларни зудлик билан ҳал этадиган ахборот-маслаҳат маркази тузишга эришилсин.

АССОЦИАЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ СОҲАСИДА

Ўзбекистон ССР байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар Ассоциациясининг мақсади бу ҳаракатга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама, тугал ижтимоий дастурни амалга ошириш учун ўз иқтисодий базасини яратишдир.

Ана шу мақсадларда: Ассоциация қошида жумҳурият хўжалик ҳисобидаги марказ тузиш лозим:

— Ассоциациянинг ҳарбий-ватанпарварлик уюшмалари учун уст-бош, рамзлар, белгилар, керакли жиҳозлар ва нарсалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

— хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва бирлашмалар яратиш ҳисобига ногиронларни, байналмилалчи жангчиларни, заҳирадаги жангчиларни ишга жойлаштириш масалаларини қўшимча ҳал этиш;

— байналмилалчи жангчилар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган радио, кино, видео программалар яратиш мақсадида «Меридиан» ташқи иқтисодий тижорат Ассоциацияси тузишда бевосита иштирок этиш кўзда тутилади.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

ДЎСТЛИК ДИЙДОРИ

Афғонистон... У минг-минглаб юракларни ларзага солган сўнгсиз армон. Унинг тупроқларида бир сулув сочини ушламаган Алпомиш келбатли йигитларимиз мангуга қолиб кетдилар. Айтилмаган севги қолди, ҳаётга, яшашга ташналик қолди. Ўқлар ёмғири, бомбалар портлаши, оловли жанггоҳлардан омон қайтмоқликнинг ўзи катта бахт. Бугун алам билан эсланадиган ана шу жангларда андижонлик минглаб мард йигитлар ҳам қатнашган эдилар.

Яқинда Андижон вилояти комсомол ташкилотининг ташаббуси билан вилоят байналмилалчи жангчилар кенгаши ҳамда меҳр-шафқат ва саломатлик жамияти вилоят бўлими иштирокида байналмилалчи жангчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Дўстлар дийдор кўришдилар. Ўзга юртдаги оғир дамлар, она-юртга қайтиб келиш насиб этмаган дўстлар хотираси ёд олинди.

Сўзга чиқувчилар кўп бўлди. Юраклардаги армон ва ташвишлар тўкиб солинди. Келгусида байналмилалчи жангчилар кенгашининг қиладиган ишлари маслаҳатлашиб олинди. Йиғинда вилоят партия қўмитасининг котиби Ж. Х. Ҳакимов нутқ сўзлаб, байналмилалчи жангчилар ишларига муваффақият тилади.

Вилоят комсомол қўмитаси томонидан байналмилалчи жангчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

СУРАТДА: Андижон ноҳиясидаги байналмилалчи жангчилар кенгаши раиси Рустамжон Жалилов қуролдоши Ж. Ашуров билан суҳбатлашмоқда.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ.
А. МИРЗАЖОНОВ сурати.

Хотира

Йигитнинг кўзлари

Бухоро шаҳрида Афғонистонда шаҳид бўлганларга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Мармар лавҳага вилоят бўйича шаҳид бўлган 97 нафар йигитнинг номлари ёзиб қўйилди. Лавҳада «Жангчи-байналмилалчиларнинг номлари абадий яшайди» деган сўзларни ўқийманда, хаёлимда шу он бошқа бир жумлани такрорладим: «Уларнинг дардлари, фироқлари ҳам абадийдир». Айниқса оналарга қийин! Ахир фарзанд онанинг юрак қонидан пайдо бўлармиш... Бозор Қурбонов ҳам Каромат опанинг бевақт кетган жигаргўшаси эди..

Бозор Қурбоновнинг кўзлари. Унинг суратини нигоҳларимдан ўчиролмайман. Онаизори — Каромат опа менга ҳеч нарса сўзлаб беролмади. Гапирмади. Аммо Бозорнинг суратини кўрдим-у, бу армонли дунёда армон билан кетган ўғлоннинг нигоҳларидан ҳеч кимга, ҳатто онаизорига ҳам айтолмаган сўзларини уққандай бўлдим.

Балки, мен янглишгандирман. Балки Бозор бундан-да ортиқ нарсаларни Каромат опага айтмоқчи бўлгандир. Тошдай қотган жонсиз лаблари яна алланималарни сўзламоқчи бўлгандир. Лаблар сўзлаганда, эҳ, нималар демайди? Аммо кўзлар сўзлаганда-чи?

Мана, 19 ёшида шаҳид кетган Бозорнинг кўзларидан уққанларим. Унинг онаизорига айтолмай кетган ризоликлари:

— Кишига кулиб боқувчи кўзларингизни соғингандим. Қора кўзларингизга, меҳрибон, меҳрли нигоҳларингизга тикилиб-тикилиб термулгим келарди. Кўзларингиздаги маъноларни уққим келарди.

Онажон, ўшанда нималар демоқчи бўлдингиз? Нималарни айтмоқчи бўлиб унсизгина термулдингиз? Мен уққан маънолар сизнинг дилингиздаги сўзларни англатдимикан? Буни билолмадим. Ўшанда, менинг жонсиз сийратимга тикилиб, кўзларингиз ачинганди:

«Орзуларинг армон бўлиб кетяпсан, болам». Кўзларингиз йиғлаганди: «Энди ким бошимни силайди, бир меҳрибон қўл бўлиб?»

Кўзларингизда чексиз фарёд изларини кўргандим.

«Ҳали тўймагансан-ку ҳаёт лаззатларига, болалик шўхликларига, дил розингни айтмадинг-ку ўз суйган гулингга?

Кўзларингиз, оҳ, бу кўзларингиз қотган эди даҳшатдан, кутилмаган офатдан.

«Ёр-ёр кўрмай кетган болам. Бир қиз дил розини эшитмаган шунқорим. Онасига дил дардини айтолмаган қароғим».

Кўзларингиз юпанганда чорасизликдан: «Қўлимдан сени тирилтириш келсайди, болам. Юрагингни суғиргин, десалар эди. Кўзларингни ўйгин, Бозоринг, тирилар, десалар эди...»

Мен уққан маънолар сизнинг қалбингиз сўзларини англатдимикан? Буни билолмай кетдим, онажон!

Кўзларингиз қароқларига сингиб кетсам эди, икки томчи ёш бўлиб, армонингизни билиб олардим, Онажон!

Армонингиз ўзимман-ку, яна нени билайин? Бу шўр бошимни қайга бориб урайин?

Сўзлаган кўзлар. Улар фақат дардни сўзлайди, беҳуда тўкилган қонни, айтилмаган ёр-ёрларни, куйланмаган қўшиқларни. Бу ёр-ёрлар энди улар учун бир умр айтилмайди, қўшиқлар куйланмайди. Қўлга тор олган бармоқлар қотиб қолган, адоқсиз сўроқлардан.

Бунга жавоб бермас ҳеч ким. Бозорнинг сўзларига, сўровларига онаизори жавоб берар. Лекин беҳуда. У эшитмас, э-шит-мас...

Гулчеҳра АЛИБОЕВА.

Саволлар беринг!

Сарез кўли ҳавфлими?

Яқинда Помир тоғидаги Сарез кўли ер қимирлашидан сўнг пайдо бўлганини ўқиб қолдим. Айтингчи, у қандай пайдо бўлган! У хавф-хатардан йироқми!

Р. ҚОСИМОВА,
Фарғона вилояти.

Баланд Помир тоғидан бошланувчи Бартанг дарёси 1911 йили ер қимирлаш пайтида тоғдан ўпирилиб тушган миллионлаб кубометр ҳажмдаги кўчки туфайли тўсилиб қолган. Тоғдаги Усай қишлоғи бутунлай тош ва тупроқ остида кўмилиб кетган. Натижада дарёдаги тўсилган сув йиғилиб бориб Сарез қишлоғини ҳам кўмиб юборган ва бу жойда кўл пайдо бўла бошлаган.

Кейинги вақтларда Сарез кўлининг сув сатҳи бир хил туриши таъминланган. Унинг чуқурлиги ўртача 200 метр ва узунлиги деярли саксон километрга чўзилган. Олимларнинг тахминларига кўра, тоғдан ўпирилиб тушган уюм шунчалик «мустаҳкамланиб» кетганки, сув сатҳи бундан кўпайса ҳам у бемалол чидаш беради.

Кўл қирғоғига жойлашган об-ҳаво ва гидрология станцияларида Сарезнинг аҳволидан ҳар икки соатда хабардор бўлиб турувчи мутахассислар ишлашади. Тожикистон ҳукуматида эса хавф-хатар туғилиб қолса қандай чора кўриш ҳақида аниқ ишлаб чиқилган план мавжуддир.

Сифатсиз чойни нима қиламиз?

Янги йил арафасида Туркияда тайёрланган чой сотиб олгандим. Қоғоз қутисини кўриб ҳавасим келганди. Бироқ дамлаб ичганимизда унинг таъми грузин чойиникидан ҳам ёмон эканлигини билдик. Бундай сифатсиз чойни харид қилиш учун валюта сарфлашнинг нима ҳожати бор!

А. САМИЕВ,
Тошкент.

Кейинги йилларда чой ғоят камайиб кетди. Мамлакатимиздаги чой етиштириладиган плантациялар ҳолдан тойган. Уларнинг «қувватини» тиклаш учун 1986 йилда СССР Министрлар Советининг қарори билан бир қисмида чой етиштириш тўхтатилди. Ушбу қарорга биноан, шунингдек, чет элдан чой сотиб олишни кўпайтириш кўзда тутилганди. Бироқ аҳоли талаби анча тез ўсмоқда. Жумладан 1989 йилда 1987 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп чой сотилди. Шу боис маблағга қараб чой харид қилишни кўпайтиришга мажбурмиз.

Қадоқланмаган чойни сотиб олиш фойдалироқдир. Кейин уни ўзимизнинг фабрикаларда қадоқлаш мумкин. 36-сонли чойнинг 60 фоизи ҳинд, 40 фоизи грузин чойидир. Бироқ Ҳиндистон чойни валютага ким ошди савдосида сотади. Ким кўпроқ тўласа ўша олади. Биз эса бой бўлмаган харидорлар қаторига кирамиз. Шунинг учун бизга қўшимча валюта ажратилган бўлса-да, борйўғи 42 минг тонна ҳинд чойи, қолганига эса арзонроқ бўлган турк чойи (25 минг тонна) ҳарид қилдик. Сифатига кўра грузин чойига яқин эканлигининг сабаби турк чойи ҳам ўша регионда етиштирилади.

Бунинг сабаби нимада?


Ёшим 25 да. Электр монтёри бўлиб ишлайман. Ўн саккиз ёшимда Совет Армиясига хизматга чақирилдим. Хизматим тугашига 5—6 ой қолганида сочим оқара бошлади. Ҳозир эса бутунлай оппоқ. А. Кашпировскийнинг телесеанслари ҳам ҳеч қандай ёрдам бермади. Бунинг сабаби нимада!

БАҲРОМ,
Навоий ноҳияси.

Одатда соғлом кишининг сочи кексалик пайтига келиб оқаради. Соч оқариши кўпинча икки чеккадан бошланиб, кейин бошнинг бошқа жойларига тарқалади. Баъзан кишиларда бу ҳодиса туғма бўлади. Яъни кишининг сочи, ҳатто қоши, киприклари ёшлигидаёқ оқариб кетади ёки болаларнинг оқ соч билан туғилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Соч тўсатдан кучли ҳаяжон, ғам-ташвиш, қўрқув туфайли ҳам бир неча минут ичида оқариб кетиши мумкин.

Ёш йигит-қизларда сочнинг оқариши наслга ҳам боғлиқ бўлади. Шунингдек бу жараён эндокрин безлари, асаб системаси касаллиги туфайли ҳам содир бўлади. Сочнинг эрта оқариши безедов касаллиги, қанд касаллиги ва баъзан тери касалликлари билан оғриган беморларда учрайди. Нима бўлганда ҳам сочи барвақт оқара бошлаганини сезган киши дарҳол мутахассис врачга мурожаат қилса, ҳеч бўлмаганда сочнинг оқи кўпайиб кетишининг олдини олган бўлади.



Андижон шаҳридаги Халқлар дўстлиги номли 13-ўрта мактабда ўқувчилар информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари машғулотига қизиқиб қолдилар. Бунинг боиси, яқинда ўқув юртига Японияда ишлаб чиқарилган компьютерлардан 16 дона ўрнатилганлигидир.

— Дарслар жуда жонли, қизиқарли ўтадиган бўлиб қолди, — дейди ўқитувчи Сергей Мошеев. — Ўқувчилар компьютерлар билан ишлашнинг сир-асрорларини астойдил ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: 9-синф ўқувчилари Венера Мингазова ҳамда Оксана Кочетовалар информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарсида.

Сураткаш А. МИРЗАЖОНОВ.

Кубалик гиёҳфурушлар тўдаси фош этилди

Куба Коммунистик партиясининг расмий органи «Гранма» газетаси 1989 йил 14 июнда порахўрлиги ва моддий воситалардан ноқонуний фойдаланганлиги учун Куба Республикаси Қаҳрамони, дивизион генерали Арнальдо Очоа Санчеснинг қамоққа олингани тўғрисида хабар берди.

Орадан саккиз кун ўтгач, «Гранма» газетаси Очоа ва Қуролли кучлар ҳамда Ички ишлар министрлигининг бир гуруҳ катта офицерларига қўйилган асосий айблар тўғрисида ҳикоя қилди. Улар қора дори сотиш билан шуғулланишда, халқаро можарога сабаб бўладиган ҳолатларни келтириб чиқариш мумкин бўлган ҳаракатларда ва хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишда айбланадилар.

Гаванада Арнальдо Очоа, Антонио де ла Гуардиа, Амадо Падрон, Хорхе Мартинес ва бошқалар устидан ўтказилган суд жараёни материаллари ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатини фош этувчи ҳужжатларни ўзида жамлаган китоб чоп этилди. Ушбу китобдан айрим лавҳаларни бугун газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Тергов бошланди

Шуни қайғу билан хабар қиламизки, юқори партия ва ҳарбий лавозимларни эгаллаган ҳамда бир қатор мукофотлар билан тақдирланган дивизион генерали Арнальдо Очоа Санчес порахўрлиги ҳамда моддий воситалардан ноқонуний фойдаланғани учун қамоққа олинди. Унинг иши бўйича тергов олиб борилмоқда.

Партия ва Инқилобий қуролли кучлар олдидаги ҳар қандай хизматларидан қатъи назар, инқилоб принципларига амал қилмайдиган, ахлоқий нопокликка йўл қўядиган, социализм қонунларини менсимайдиган ҳар қандай шахсни биз кечириб ўтирмаймиз.

Кубалик ҳарбий хизматчиларнинг хатти-ҳаракатларини белгиловчи тартибга биноан дивизион генерали Арнальдо Санчес ўзи билан тенгма-тенг хизмат мавқеига эга бўлганларнинг виждон тергови олдида жавоб беради. Шундан сўнг уларнинг тавсиясига биноан қилинган жиноятлар учун тегишли жазолар белгиланади.

Бу суднинг тавсияси ва шу асосда келиб чиқадиган мулоҳазалар зудлик билан халқнинг эътиборига ҳавола этилади.

Революцион Қуролли кучлар министрлиги.

«Гранма», 1989 йил, 14 июнь.

* * *

У ёки бу маънодаги бир нечта жиноятларга бош қўшганлиги ҳамда уларнинг оғирлигига қараб Революцион Қуролли кучлар министрлигининг қуйидаги офицерлари қамоққа олинди: капитан Хорхе Мартинес Вальдес ва полковник Антонио Родригес Эступиньян. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Очоанинг адъютантларидир. Ички ишлар министрлиги ходимларининг айб қўйилганлари орасида бригада генерали Патрисио де ла Гуардиа Фонт, полковник Антонио де ла Гуардиа Фонт, подполковник Алексис Лаго Ароча, майор Амадо Падрон Трухильолар бор. Улар қамоққа олинди.

«Гранма», 1989 йил, 16 июнь.

Бу қандай бўлган эди

Очоада гиёҳфурушлар тўдаси билан алоқа қилиш фикри 1986 йилнинг ўрталарида пайдо бўлганди. Бу кезда у бошқа вазифалар билан бир қаторда ҳарбий кучларнинг ўнинчи бошқармасига раҳбарлик қиларди. Бу бошқарма бош штаб шуғулланаётган Ангола ва Эфиопиядаги Кубанинг ҳарбий ҳаракатлардан бошқа қолган барча мамлакатлар билан ҳарбий ҳамкорликка жавоб берарди.

Унинг адъютанти Хорхе Мартинес Вальдес Панамага бўлган сафарларидан бирида келиб чиқиши италиялик бўлган Америка граждани Франк Морфа номидан пул «ювиш» операциясида қатнашиш таклифини олади. Мартинес бу ҳақда Очоага хабар беради. У бўлса ўйлаб ўтирмай, таклифни қабул қилади ва бу операцияни ўтказиш бўйича Мартинесга йўл-йўриқлар беради. Ваҳоланки, Очоа ҳам, Мартинес ҳам бунақа ишларда ҳеч қандай тажрибага эга эмас эдилар.

Дастлабки алоқалар ҳеч қандай натижа бермайди. Аммо Мартинес Очоанинг кўрсатмаларига биноан изланишларни давом эттиради. Натижада 1986 йилнинг тахминан октябрь ва ноябрь ойларида колумбиялик Фабель Пареха билан алоқа боғлайди.

1987 йилнинг дастлабки ойларида Пареха Мартинесга пул «ювиш» операциясида ва гиёҳ сотиш юмушларида иштирок этиш мақсадида бевосита бошлиқлар билан алоқа қилишни сўраб мурожаат этади. Шу суҳбат давомида у очиқдан-очиқ Мартинесга ўзи колумбиялик машҳур ва устамон қорадори сотувчи Пабло Эскобар ихтиёрида эканлигини маълум қилади ва бошқа мамлакатларга бемалол бориб келишни таъминлади. Колумбия паспортини олиш учун Мартинесдан келиб-чиқиши ҳақида маълумотлар сўраб олади. Мартинес бу тўғрисида Очоага ахборот берганда, у Мартинеснинг қалбаки Колумбия паспортини олишини расмийлаштиришга розилик беради.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН

ШОН-ШАРАФ СУДИ АЪЗОЛАРИ СЎЗИДАН СЎНГ ДИВИЗИОН ГЕНЕРАЛИ АРНАЛЬДО ОЧОА САНЧЕСНИНГ БАЁНОТИ:

Энг аввало шуни айтишим лозимки, умримнинг охиригача мен қуролли кучларнинг собиқ генерали деган номга асло доғ туширмайман. Шунингдек, суд аъзолари билдирган фикрлар учун уларни асло қораламайман. Чунки уларга ўзим қўшиламан. Мен ўйлайманки, юз берган хунук воқеаларни улар ҳаққоний баҳолашди. Кеча айтганимдек, ўз айбимга тўла иқрор бўлган ҳолда, зеро хатти-ҳаракатларим бунга зид бўлсада, барибир инқилоб ишига ишонишни истайман. Майли, мен учун оғир жазо — отишга ҳукм этилсамда, ҳатто у ижро этилган тақдирда ҳам мен энг сўнгги дақиқада фақат Фидель тўғрисида ўйлайман. Бу эса унинг бизга тортиқ этган инқилоб учун миннатдорчилик туйғуси бўлиб қолади.

Бунинг учун ойлар зарур бўлади, негаки Мартинес чет элларда узоқ туриб қолмай, фақат Очоанинг топшириғи билан бўладиган сафарларга тез-тез бориб турарди.

1987 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Мартинесга Фидель Буитраго Мартинес номи билан юритилган Колумбия паспорти топширилади. Шу вақтга келиб, Очоа Ички ишлар министрлигининг МС бўлимидан Тони де ла Гуардиа Эскобар одамлар билан алоқа боғлаб, буни Мартинес билан муҳокама қилишаётганлигини билиб турарди.

Ноябрнинг дастлабки кунларида Очоа ўзининг ўнинчи бошқармасидаги фаолиятини тўхтатиб, Ангола Халқ Республикасига бориш ҳақида буйруқ олади. Бирмунча муддат ўтгач, Мартинес ҳам унинг ёрдамчиси сифатида Анголага жўнаши лозим эди.

1988 йилнинг апрель ойининг иккинчи ярмида Очоа Мартинесни Кубага юборади. У Гаванада мамлакатга сайёҳ сифатида келган Пабло Эскобар вакиллари билан учрашиши даркор эди. Мартинес Анголадан бу ерда ҳарбий вазифани бажариб турган Патрисио де ла Гуардиадан Тони де ла Гуардиага мактуб олиб боради. У ўз мактубида Мартинесга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни сўраганди. Патрисио ва Очоа ўртасидаги ўзаро алоқалар жуда самимий бўлиб, шу боис Очоа Тони де ла Гуардиа кирдикорларидан нафақат хабардор бўлиб қолмай, балки унинг ёрдамига ишонганди. Ака-ука де ла Гуардиа, айниқса Тони билан ҳамкорлик қилиш Очоага Мартинесни чет элларга юборишда қўл келди. Зеро, бу амалдаги тартиб ва қоидаларга мутлақо зид бўлиб, ҳарбий Қуролли кучлар министрлиги ўз офицерларининг хорижга қиладиган сафарларини мунтазам назорат қилиб борарди. Мартинес шу йўл билан барча мавжуд қоидаларга хилоф равишда бир неча бор хорижга бориб келади.

Мартинес Анголадан кетиш олдидан Очоадан Колумбияга бориб тўппа-тўғри Пабло Эскобар билан алоқа қилишга рухсат олади.

Бойеросдаги аэропортдан тўғри Тони де ла Гуардианинг уйига боради. Аммо уни тополмайди. Кейинги куни у билан Амадо Падрон хонасида учрашади ва Тони де ла Гуардиа Мартинеснинг Колумбия паспортига тегишли белгиларни қўйган ҳолда бамисоли шу фамилиядаги сайёҳнинг Кубадан бемалол чиқиб кетишини белгилайди.

Бирмунча вақтдан сўнг шу куни Плая деган жойда гувоҳларнинг эслатишича, чет эллардан келишган Фернандо, Рубен, Ноти ва аллақандай учувчи Тоне де ла Гуардиа гуруҳидан бўлган Амадо Падрон, Леонель Эстевес Сото (Хосэле) Эдуардо Диас Искиердо ҳамда Мартинес учрашишади.

Бу ерда улар қора дори олиб ўтишнинг турли хил йўлларини ҳамда бу борадаги жиноий ҳамкорлик борасидаги хатти-ҳаракатларни белгилаб олишади. Учрашув чоғида ҳатто ҳавойи бўлса-да, Африкада қора дори ишлаб чиқарадиган фабрика қурилиши ҳақида ҳам фикр юритилади. Унинг қурилиши билан Очоа шуғулланса, Европада Тони де ла Гуардиа ўз гуруҳи билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш билан шуғулланади. Шунингдек, суҳбат чоғида қалбаки долларлар ишлаб чиқариш ва бунинг учун тегишли қоғоз зарурлиги хусусида ҳам гап юритилади. Ва ниҳоят, Мартинеснинг Колумбияга бориб, Эскобар билан бевосита алоқа қилишига келишиб олинади.

Кейинги куннинг эртасига амалий ишга киришган Тони гуруҳидан бўлган Амадо Падрон, Луис Пиньеда (Уилли) ва Мартинес Негро ҳамда Неро номи билан машҳур бўлган икки мексикалик меҳмон ҳамда икки шимолий американлик шахслар билан учрашишиб, пул «ювиш» операциясини ўтказиш ҳамда гиёҳфурушлик борасида келишиб олишади. Ва бу борада колумбияликлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳам аҳд қилишади. Шу куни кечқурун юқорида номлари тилга олинган Мексика ва колумбияликлардан ташқари кубалик бўлган Амадо Падрон, Эдуардо Диас Искиердо, Хоэль ва Мартинес қатнашган ўзаро учрашув бўлиб ўтади. Улар Мексика орқали Америка Қўшма Штатларига қора дори етказиб беришни мўлжаллашиб, уч томонлама гиёҳфурушлар шартномасини тузишади. Бундай бемаза шартнома фақатгина Мексика томонининг ўзаро сўзида турмаганлиги боис амалга ошмай қолади.

Мартинес ва Эскобар ўртасидаги келишувга биноан бу борадаги олди-соттини у бориб келгач, икки ой ўтгандан сўнг амалга ошириш кўзда тутилганди. Операцияни ўтказиш бўйича Мартинес Амадо Падрондан тегишли кўрсатмаларни олганди. Унга мувофиқ Панама байроғи остида сузаётган «Дженнифер» кемаси очиқ денгизда 2000 килограмм қора дорини олгач, мўлжалда белгиланган Сьенфуэгос яқинига сузиб бориши лозим эди. Эдуардо Диас Искиердо ва Мартинес кемага чиқишлари, бу вақтда эса Амадо чегарачилар билан келишиши, операция Тоне де ла Гуардиа раҳбарлигида МС бўлими томонидан ўтказилаётганлигини хабар бериши кутиларди. Мартинес ва Эдуардо Диас «Дженнифер»да сузишни давом эттириб, соҳил бўйлаб ғарбга боришлари ва оролни айланиб ўтиб, Мариэль портига келишлари ҳамда бу ғайритабиий юкни шу ерда тушириб қолдиришлари мўлжалланганди. Кема Мариэль портидан бир неча мил узоқлашгач, Майамидан келган тўртта тезюрар қайиқ ҳар бири 500 килограммдан гиёҳларни олиб кетиши керак эди.

Мартинес ва Пабло Эскобар келишиб олган «Дженнифер» кемаси орқали бўладиган хуфёна ҳаракат амалга ошмади. Бунинг сабабини кейинроқ маълум қиламиз.

Кубага қайтгач, Мартинес шу пайтда мамлакатда қисқа муддатли дам олишда бўлган Очоа ҳамда Тони де ла Гуардиага эришилган келишувлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Бу суҳбат Очоанинг уйидаги ошхонада бўлганди. Ҳар иккаласи ҳам режаларни маъқуллашди.

«Дженнифер»нинг йўлга чиққани тўғрисида телефон орқали «пул фалон куни ўтказилади» пароли орқали хабар берилиши керак эди. Аммо қўнғироқ қилишмади. Бунга сабаб кутилмаган воқеаларнинг юз бериши бўлди. Колумбияда кемани кутиб олиш пайтида фавқулодда ҳодиса содир бўлиб, «Дженнифер»нинг капитани ўлдирилади. Бундан Мартинес Эскобар одамлари билан учрашиш ҳамда нима бўлганлигини билиш учун август ойида чет элга чиқиб хабардор бўлади.

Шундан сўнг унга бу операцияни ҳаво орқали амалга оширишни таклиф этишади. Кубада у Тони де ла Гуардиа билан маслаҳатлашгач, у розилик беради ва ўз хатти-ҳаракатларини яшириш мақсадида тамаки сотиш билан шуғулланиляпти, деган таассурот қолдиришни таклиф қилади.

Сентябрь ойида Мартинес яна хорижга йўл олиб, Фабель ва икки учувчи билан учрашганча, ҳаво йўли билан ўтказиладиган операциянинг икир-чикирларини белгилаб олади. Октябрда Мартинес яна Колумбияга боради.

Ҳаракат плани тасдиқланади. «Шайенн» самолёти Колумбиядан 19.00 да учиб, Кариб денгизи устидан Майага борадиган ҳаво йўли орқали Кубани кесиб ўтгач, жанубий ғарбдаги Кайо-Солдан узоқроққа бориб, Кубанинг территориал сувларига махсус жойлаштирилган гиёҳларни ташлаши ва шу йўл билан Колумбияга қайтиб келиши даркор эди. Агарда қора дори Куба сувларига ташланмаса, у ҳолда баҳоси ўзгарарди. Катта юк ортган самолёт дастлаб кам ёқилғи олган ҳолда учиши ва қайтишда эса қўшимча ёқилғи билан таъминланиш мақсадида Варадерога қўниши режалаштирилган эди. Сувга ташланган қора дориларни Майамидан келган тезюрар қайиқлар оларди. Кубанинг бу борадаги қўшган ҳиссаси учун ҳар килограмм ҳисобига минг доллардан тўлаш баҳоланганди. Ҳар ҳафтасига бир мартадан ана шундай операциялар ўтказиш режалаштирилган эди.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН

БРИГАДА ГЕНЕРАЛИ, ПРОКУРОР ХУАН ЭСКАЛОН РЕГЕРАНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИДАН.

Ҳаммамиз биламизки, душман Кубанинг обрўйини тўкиш мақсадида зиғирдек бўлса ҳам ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бугун уларга бу имкониятни ким яратиб бермоқда! Ҳозир обрўйимизнинг тўкилишига ўзимиз бош сабабчи бўлиб турибмиз. Чунки биз доимо Варадеоми мамлакатдаги туризм фахри бўлиб қолади, деб баралла айтиб келдик. Шу борада мамлакат жаннатмакон ўлканинг келажаги учун катта маблағлар сарфлаб, бу ҳаракатимиз бизга жуда зарур бўлган валюта топишимизга имкон беради, деб хомхаёл қилган эканмиз.

Жаҳон матбуотида бу гўзал макон аллақачон гиёҳфурушлар иш кўрадиган жойга айлангани хусусида жар солиши ҳеч кутилмаган ҳол бўлди. Аслида мамлакатимизда туризмни тарғиб этиб, бизда қора дори сотиш умуман ман этилгани, ҳар ким оиласи билан болаларини олганича бизга дам олиш учун келиши ва бу ерда уларнинг хавфсизлиги тўла таъминлангани, бемалол дам олишлари мумкин, деган гапларимизнинг ҳаммаси чиппакка чиқди.

Мартинес Кубани Луанда билан боғловчи телефон орқали Очаога бу ҳақда тегишли маълумот беради. Ўз навбатида у розилик аломатини билдиради.

Аммо кутилмаганда яна бошқа қийинчиликлар чиқади. Ориента оролининг шарқида чегарачилар қайиқлардан бирини тутишади. Октябрнинг охирларида хорижда Мартинес ва Хоэль Эскобарнинг вакиллари билан учрашишади. Улар қайиқни чегарачилар томонидан тутилиши, Тоне де ла Гуардианинг одами Эдуардонинг ризолиги билан амалга оширилган дейишади. Хоэль буни рад этади.

Кейинги можаро биз илгари эслатиб ўтган Эскобарнинг одами Фернандо билан Мартинеснинг ноябрь ойида бўлган учрашувидан сўнг келиб чиқди. Уларнинг биринчиси таъкидлашича, 500 килограмм қора дори «Лас Америкас» ресторани қаршисида ташланганн боис, уни чегарачилар тутиб олишган. Мартинеснинг жавоби шундай бўлдики, унинг бу операцияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шундай бўлсада, Фернандо Эскобар ўз одамини Кубага юбориб, ҳукумат вакилларига шикоят қилиши ва мусодара қилинган молни ундириб олиш фикрида эканлигини маълум қилади. Бу қўрқитиш шундан далолат берадики, Кубага одам юбормоқчи бўлган Эскобар Мартинеснинг хатти-ҳаракати юқори лавозимдаги шахслар томонидан рухсат этилганлигидан воқиф эди.

Юз берган воқеалар шуни кўрсатдики, Мартинес у ёқдан бу ёққа бориб келгунча, бошқа ишлар ҳам аллақачон келишиб қўйилганди. 1988 йилнинг декабрида Анголадан қайтиш арафасида Очоа Мартинесдан юз берган воқеаларни билиб олди. Ишнинг чаппасига кетганидан жаҳли чиқиб, у Мартинесга Тони дела Гурдиа одамлари билан бошқа ҳеч қандай алоқа қилмасликни тайинлади. Уларни бефаросатликда ва иқтидорсизликда айблаб, ҳар қандай янги режани ўзи ишлаб чиқишини баён қилади. У Мартинесга бундан кейин ҳам қорадори билан савдо қилувчи шахслар билан мустаҳкам алоқа боғлашни уқтирди.

1989 йилнинг 10-20 февраль кунлари Мартинес яна чет элга жўнайди. Қайтиб келгач, Очоа энди Мартинес унинг ғарбий армиядаги шахсий ёрдамчи сифатида чет элга тез-тез бора олмаслиги, шу боис бу ишни бажариш учун ишонган бирор одамни топишни тайинлайди. Албатта, унинг хорижлик бўлгани маъқул. Шундай бўлса-да, 25 мартдан то 5 апрелгача Мартинес яна Панамага йўл олиб, Очоани қизиқтирган бир неча масалаларни ҳал этади.

Очаонинг Тоне де ла Гуардиадан ихлоси қайтган бўлишига қарамасдан, Мартинес, 20 апрелда Кубада Тони гуруҳидан бўлган Уилли билан учрашади. Унинг хабар беришича, ҳар ойда 2 минг килограмм қора дорини яширинча ўтказиб берадиган икки мексикалик бор бўлиб чиқади. Очоа яна бунга ишониб, кейинги сафари давомида Мартинесга Фернандо билан алоқа боғлашни тайинлайди. Қўлга киритилган фойда Очоа ва Тони де ла Гуардиа ўртасида бўлинади.

Сўнгги марта Мартинес чет элга 28 апрелда жўнайди. Бошқа бир қатор кўрсатмалардан ташқари у икки асосий топшириқ олади: Фернандо билан учрашиш ва ойига 2000 килограмм қора дорини хуфёна олиб ўтишга келишишган мексикаликлар билан гаплашиш; Эскобар одамларига Хирон орқали ўтган ҳаво йўлагидан фойдаланиш мумкинлигини хабар бериш. Албатта, бу текинга эмас эди.

(Давоми бор).



Хорижадан хабарлар

Телетайп лентасидан

● ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлардаги сиёсий, савдо-саноат ва академик доираларнинг таниқли вакилларини бирлаштирган Америка — Совет муносабатлари комитети СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга даъват қилди. Бу нуфузли жамоат ташкилоти тарқатган баёнотда АҚШ конгрессидан икки томонлама савдо-сотиқнинг ривожланиш йўлини тўсаётган камситувчи Жексон-Вэник тузатишини дарҳол бекор қилиш талаб этилган. «Ҳозир Совет Иттифоқида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олганда, — дейилади ҳужжатда, — Жексон-Вэник тузатишини қабул қилиб, кўпгина бошқа мамлакатлар эга бўлган савдо-сотиқда мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиб бериш мақомидан СССРни маҳрум этиш натижасида вужудга келтирилган чеклашларни сақлаб қолиш учун ҳеч қандай асос йўқ».

● ВАРШАВА. Польшада дори-дармонларнинг чакана нархи 100-900 фоиз ошади. Молия министрлигининг хабар қилишича, асосан четдан келтирилган хом ашёдан бу ерда тайёрланувчи дори-дармонларгина қимматлашади.

● ПРАГА. ЧССР ташқи ишлар министри Иржи Динстбирнинг таклифига биноан ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари Будимир Лончар сешанба куни Прагага келди. Улар ўртасида шу куниёқ музокаралар бошланиб, бунда Чехословакия билан Югославиянинг ўзаро ҳамкорлиги, хусусан иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилмоқда. Шарқий Европадаги демократиялаш жараёнларининг ривожи тўғрисида, ЧССР билан ЮСФРнинг Европадаги интеграция жараёнларида иштирок этиши истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

● ПЕКИН. Партиядаги ва умуман жамиятдаги порахўрлик Хитой Коммунистик партиясининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, ҳатто унга инқирозга юз тутиш хавфини солаяпти. Агар партия бу муаммони ҳал этмаса, у халқ ишончидан маҳрум бўлади. Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг секретари Ли Симин пойтахт шаҳар партия комитети интизомини текшириш комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шуларни таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, айрим кадр ходимлар ўз атрофларида иззатталаблик ва лаганбардорлик вазиятини вужудга келтиришга катта эътибор беришмоқда, бу эса партиявий принципларга зид. «Сиёсий порахўрликнинг бундай кўриниши иқтисодий порахўрликдан ҳам ёмонроқдир», — деди пойтахт партия ташкилотининг раҳбари.


◆ БАЙРУТ. Исроилда иқтисодий аҳволнинг ёмонлашганлиги туфайли бу мамлакатнинг шимолий қисмида кучли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Хазор-Хаглилитда юзлаб одамлар бу шаҳарчага олиб борадиган йўлни тўсиб қўйиб, шу билан «Куар индастриз» корпорациясига қарашли маҳаллий заводдаги оммавий тарзда ишдан бўшатишларга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган бу корхона маъмурияти яқинда 150 нафар ишчини ишдан бўшатишга қарор қилди. Натижада Хазор-Хаглилитдаги кўпгина оилаларни кун кўриш учун пул топиш имконидан маҳрум этди. «Бизга нон керак, бизга иш керак, — деб бақиришди сешанба куни йўлни тўсиб қўйган намойишчилар. — Биз ўз болаларимизни боқишимиз керак».

● САН-ФРАНЦИСКО. «Хуан Матта Баллестерос муддатидан илгари озод қилиниш ҳуқуқисиз умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. «Федерал судья болгачасининг шу сўзлардан кейин янграган зарби гондураслик миллиардер иши юзасидан Лос-Анжелесда ўтказилган суд жараёнига нуқта қўйди. Бу миллиардерни эксперт-криминалистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, халқаро қорадори жиноятчилигининг энг кучли 10 та рахнамоси сафига киритиш мумкин. Тергов материалларига қараганда, Матта Колумбиядаги қорадорифурушлар бирлашмалари билан яқин алоқада бўлган ва наркотик моддалар контрабандаси учун Гондурас ва Мексика орқали АҚШга янги маршрутлар очган. Айни шу одам 80-йилларнинг бошларида Колумбия қорадори жиноятчилиги операцияларининг анчагина қисмини Лос-Анжелесга ўтказишда ташаббус кўрсатган эди. Қамоққа олиниш арафасида Баллестерос Америка маъмурларининг маълумотларига қараганда, қудратли қорадорифурушлар салтанати «тахтида ўтирган». Унинг икки миллиард доллардан зиёд шахсий бойлиги бор эди.

* * *

Шимолий Калифорнияда рихтер шкаласи бўйича 5,3 балли зилзила бўлди. Зилзила маркази Сан-Францискодан қарийб 300 километр шимолроқдаги унча кўп одам яшамайдиган Пунта-Горда соҳил районида эди. Зилзила марказига энг яқин жойлашган Юрека ва Петролиа шаҳарларидан олинган хабарларга қараганда, уларнинг аҳолиси қисқа ва кескин ер силкинишини ҳис қилган. Бинолар бир неча секунд мобайнида чайқалиб турган. Айрим уйларнинг дераза ойналари синган, бироқ катта вайронгарчиликлар ва жароҳатланганлар тўғрисида хабарлар олинмади.

(ТАСС).



Япония астрономлари учун ўтган йилнинг биринчи декабридан иккинчи декабрига ўтар кечаси унутилмас бўлди. Улар мамлакатнинг турли бурчакларида маҳаллий вақт билан соат 5 дан 52 минут ўтгунча қудратли телескоплар орқали Венера ойининг тўла тутилишини кузатдилар. Ана шундай ҳодиса Японияда 1974 йилда рўйхатга олинган эди. Мамлакат астрономларининг ҳисоб-китобларига қараганда, Венера ойининг тўла тутилиши бу асрда охиргиси ҳисобланади. XXI асрда яшовчилар ана шундай ҳолни яна кузатишлари мумкин.

СУРАТДА: Токио обсерваториясида Венера ойининг соат 5 дан 53 минут ўтгандаги пайти суратга олинган.

ЖАПАН — ПРЕСС — ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РЕКОРД ҲАЙРОН ҚОЛДИРАДИ

● ҲИНДИСТОНни мўъжизакорлар мамлакати, дейишади кўпчилик. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Манбааларга мурожаат этайлик-чи.

Шридхар Чиллал — чап қўлидаги тирноқларини авайлаб ўстирмоқда. Уларнинг узунлиги ҳозир бир метрга яқинлашиб қолди.

Мати Жагдамба — бу аёлнинг кокиллари 640 сантиметрни ташкил этади. Парваришлашни давом эттирмоқда.

Жаярам — 360 соатлаб, ҳатто ундан ҳам ортиқ тинмай жавраши мумкин.

Керал Велаудин штатида яшовчи ботир рекордчи (номини сир тутмоқда, ҳозирча) — шишадан ясалган хонада ўндан ортиқ заҳарли илонлар билан бир ой давомида «тил» топишиб яшаган.

Шакунтала Деви — математик ҳисоб-китобларни, жумбоқларни ечишда электрон ҳисоблаш машинасидан ўзиб кетади.

Балки шу мўъжизаларнинг ўзиёқ юқоридаги саволга жавоб бўла олар. Бинобарин, уларнинг рекордлари бу ерда чоп этиладиган «Лимки рекордлар китоби»га аллақачон киритилган.

ЎҒРИ ШИМПАНЗЕ

◆ ҲИНДИСТОНнинг Бихар штатига қарашли Хазарибаг шаҳрида яшовчи почта мудири Баб Сингх оиласида уч ёшли шимпанзе яшайди. Унга Дуду, деб лақаб қўйишган. Оиладагиларнинг ҳаммаси Дудусиз туришолмайди. Бироқ Дуду... Унинг «қўли эгри» чиқиб қолди.

Хўжайиннинг қизи Лейли чиннидан ясалган «мушук»ча — ақчадонга тангалар йиғиб юрарди. Бир куни Дуду «мушукча»ни ўғирлаб, кимсасиз жойда синдирган ва тангаларни гумдон қилган. Бироқ ўғрини оиладагилар топишолмади. Энди эса Лейли темир ақчадон олиб келди. Аммо пулга тўлмасданоқ у ҳам ғойиб бўлди.


Кейин маълум бўлишича, Дуду ақчадоннинг тешигини кенгайтириб, ичидагини қоқиб олган. Хўш, шимпанзе тангаларни нима қилган! «Ҳиндистон таймс» газетасининг хабарига кўра, Дуду тангаларни бозорга олиб борган ва мева-чева харид қилиб, еган.

ЭНГ УЛКАН ДИРИЖАБЛЬ

◆ ШВЕЙЦАРИЯлик коллекция тўпловчи ва дизайнер Хайнц Урбан дирижабль моделини ясади. Моделни у ишлаб чиқаришга таклиф қилишни режалаштирган. Хайнцнинг таъкидлашича, бу дирижабль дунёда энг улкан бўлади. Унинг узунлиги 120 метр бўлиб, унда 100 нафар само сайёҳи бемалол сайр қилиши мумкин.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«Нишона»



Беҳзод НОРБОЕВ 1969 йилда Ғаллаорол шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни Фориш ноҳиясида тугатди. Айни пайтда ТошДУ журналистика факультетининг 2 курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

* * *

Деразадан қарайсан хомуш,
Юрак хижил. Бўм-бўш гулдонинг.
Харсангтошдек оғирдир кутиш,
Келавермас кутган меҳмонинг.

Интиқ кўзлар хумор сузилар,
Бўш юракда туради оғриқ.
Бир четида недир узилар,
Бир томони меҳмонга боғлиқ.

Ва дафъатан ёшлар томади
Ўзинг каби ғариб гулдонга.
Сўнг... йиғлашга ёш ҳам қолмади,
Айланмоқда соғинч армонга.

Ҳовуз каби чайқалар сабринг,
Шивирлайсан: «Келади, ишон»!
Бу ҳовузда турибди ғамгин,
Нилуфаргул — Умид, паришон.

Сим-сим

Сим-сим, тилсим тошлар эмас,
Тош юраклар очилсин.
Ёниб кулга айлансин-эй,
Гули сиёҳлар унсин.
Сим-сим, сирли булоқ эмас,
Сўқир кўзлар очилсин.
Ғамли, гоҳ шод бу кунларда
Кўз ёшлари сочилсин.

Сим-сим, сиёҳ юрагимнинг
Чокин бир-бир сўкилсин.
Юрагимда неки дард бор
Бари бунда тўкилсин.
Сим-сим, билсин, ҳар кимнинг, ўз
Бўлсин улан — қўшиғи.
Юраги қон шоирларга
Очилсин Бахт эшиги!

Уйқудаги гўзал

Фараҳли тундан-да ўзгача бу тун,
Заминга қўнгандай самовий руҳлар.
Номозшомгулларни этганча мафтун,
Бир пари ухлар.

Ҳарир пардасини тутар каҳкашон:
«Юзингга солмасин соя — андуҳлар».
Юлдузлар юртидан тушгандай, ишон
Бир пари ухлар.

Кўзини лўқ қилиб суқланар фалак,
Борлиқни тутади «оҳ»лар ҳам «уҳ»лар.
Юзини доғ босган оймома ҳалак —
Кўзини куйдириб
Бир пари ухлар.

Беҳзод НОРБОЕВ.

«Бобурнома»нинг янги нашри

«Юлдузча» нашриёти янги — 1990 йил арафасида, кенг китобхонлар оммасига атаб босмадан янги чиққан китобни совға қилди.

Бу ўзбек классик адабиётининг XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндаларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) «Бобурнома» китобидир. Бу асарни биринчи ўзбек насрий асари деса ҳам бўлади.

Ҳозиргача бу китоб жумҳуриятимизда 1948—1949 йилларда икки қисмдан иборат чоп этилиб, тарқатилганди. 1960 йил эса улкан навоийшунос олим Порсо Шамсиев билан Содиқ Мирзаевлар «Бобурнома»нинг тўлиқ матнини нашрга қайта тайёрлаб чиқардилар. Мана ўшанга ҳам роппа-роса 30 йил бўлибди. Бу эса янги бир авлод, китобхонлар юзага келди деганидир. 1964 йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти хайрли ишга қўл уриб, «Бобурнома»ни қайта чоп эттирган эди. Ўшанга ҳам 26 йил бўлган. Бир йигитнинг умри. Барибир бу китобга бўлган талаб ва чанқоқлик йиллар ўтган сари орта борди. Аввал чиққанлари (юқоридаги нашрлар) ноёб нашрга айланиб, кутубхоналардан ҳам кам топиладиган бўлиб қолди. У халқ мулкига айланди.

Ана шу томонларни эътиборга олиб «Юлдузча» нашриёти 1989 йилнинг охирида, бу китобни босмадан чиқарди. «Бобурнома»нинг янги китобини тайёрлашда кейинги 1964 йил Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган нусхасидан фойдаланилди. Бу китобни босмага тайёрлашда ёш, навқирон кучлардан яхши фойдаланилди. Китобга ёш шоир Аъзам Ўктам муҳаррирлик қилди. Расмларни салоҳиятли мусаввир Эркин Нурмонов ихлос билан ишлади. Китоб ҳам катталарга, ҳам болаларга мўлжаллангани учун муқовасини ҳам содда, ўзига хос безатди. Худди ўзимизнинг қадимги сўғдиён жилдли китобларга ўхшайди. Биринчи навли қоғозда босилган «Бобурнома»нинг янги нашри марҳум олим Порсо Шамсиевнинг нашр ҳақидаги сўзбошиси билан очилади.



Мазкур китобнинг афзаллик томони, ҳозирги нашрдаги каби, юқоридаги асосий ва ёрдамчи манбааларга таққослаб, босмада юз берган хато ва камчиликлар бартараф этилгани. Тузатиш ҳамда изоҳлар билан чоп қилинганлигидир.

Бундан ташқари таржима ва изоҳлар бирмунча тўлдирилгани ўз вақтида сўзбоши муаллифи Порсо Шамсиев томонидан таъкидлаб ўтилган эди. Аммо шуни яна қайд этиш керакки, мазкур тарихий асар устида шунча ишлашларига қарамасдан, ҳали ҳам ишда бирмунча ноқусонлар бўлиши мумкин. Китоб қайта-қайта босилганнинг сари, ундаги жуғрофий номлар, кишилар исмларига олим ва ноширлар томонидан аниқликлар киритилиб, тўлдириб борилади. Изоҳлар эса китоб мазмунини очишда ўқувчига катта ёрдам беради. Бунда нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев томонидан кўп саҳифаларда изоҳлар келтирилган. Кейинги нашрлар ҳам унга маълум даражада ҳисса қўшганлар.

Энди «Бобурнома»нинг ёш авлод тарбияси учун аҳамиятига келсак, бу китоб ўқувчиларга, мактаб болаларига, ўтмиш тарихимизни ўрганиш учун, ўзлари яшаб турган Ўзбекистон жумҳуриятининг жойлашган ўрни, унинг ҳудудидан ташқарида ўрнашган Афғонистон, Покистон, Эрон, Ҳиндистон каби бир қанча мамлакатлар иқлими, табиати, ўсимлик ва ҳайвонотлар дунёси, дарё-кўллари, тоғ ва паст-текисликлари ҳақида тўла маълумотлар беради.

Шунингдек, ўша XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган улуғ сиймолар: А. Навоий, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) ва бошқалар улуғ саркардалар, ҳарбий шахслар бўлмиш: Амир Темур Кўрагоний, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Абусаид Мирзо, Бобурнинг рақиби ва энг ашаддий душмани бўлмиш Шайбонийхон ҳақида ҳам қимматли материаллар беради. Буларнинг кўпи билан Бобур алоҳида ва шахсий мулоқотда бўлганлигини китобда айтиб ўтади.

Шунингдек, «Бобурнома» китобининг эски ўзбек тили ва унинг арабча ёзувини ўрганувчиларга ҳам аҳамияти катта. Чунки, изоҳларда бир қанча ёзувлар арабчада ҳам қайд этиладиким, бу албатта шу ёзувни ўрганувчи мактаб ўқувчиси, ёки институт талабаси учун жуда қўл келади. Ўқувчи-китобхон, «Бобурнома»ни ўқир экан, ўзбек тилининг нақадар бой эканлигига, унинг рангбаранг оҳанг ва товланишларига қойил қолмай иложи йўқ. Ҳақиқатан ҳам биз қадимги ўзбек тили имкониятидан етарли фойдаланмаймиз, унинг ёмби каби бойликларидан ҳали кам баҳраманд бўлмоқдамиз. Бунинг учун албатта қийин сўзларни ўрганиб олишга янги изоҳли луғат ҳам керак. Бу луғат эски ўзбек тили имкониятларини тўла қамраб олган бўлиши лозим.

Шу кунларда нашриёт бу китобнинг қачон босмадан чиқиши ҳақида сўраб китобхонлардан келаётган кўплаб мактублар олди. Юқорида айтганимиздек, «Бобурнома» 1989 йилнинг тўртинчи фасли охирида босмадан чиқди. Ҳозир у китоб омборидан жумҳуриятимиз вилоят ва ноҳияларига тақсимот қилинмоқда. Шу кунларда китоб дўконларига чиқарилмоқда.

Шамси ОДИЛ.

ТВ

20 ЯНВАРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 Телефильм. 10.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 12.00 ЎзССР халқ артисти Маъмура Эргашева рақсга тушади. 12.30 Ёш олимлар телеклуби. 13.25 «Офат ва нажот».

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.45 «Мультипанорама». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 20.20 «ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Кекса санъаткорлар» Мусиқий программа. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Абдулла Қаҳҳор. «Тобутдан товуш». Ўзбек Давлат Сатира театрининг спектакли. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лабиринт». Юқори синф ўқувчиларининг баҳси. 18.40 «Ромка, Фомка ва Арас», «Жумбоқлар куни». Мультфильмлар. 19.00 «Новости». 19.20 «Парасту». Театр санъати жумҳурият фестивали. 20.00 «Ахбор». 20.20 Телефильм. 20.45 «Ёзувчи ва ҳаёт». Фотих Ниёзий. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Душанбеда ўтказилган телефильмлар XIII Бутуниттифоқ фестивалининг ёпилишига бағишланган концерт. 23.20 «Биринчи қор». Телевизион бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Онам, дадам ва мен». 9.35 «Уй академияси». 10.05 «Йил фасллари». Январь. 11.05 «Девор фонидаги манзара». Ҳужжатли фильм премьераси. Хабаровсклик рассом Г. Павлишин асарлари ҳақида (Узоқ Шарқ кинохроника студияси). 11.25 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.25 «Карагод» ансамбли ижросида рус шоирлари шеърларига ёзилган қўшиқлар. 12.55 «Учинчи қўнғироқ». Ҳужжатли-публицистик фильм премьераси. Электрон саноатини ривожлантириш муаммолари ҳақида («ЦНФ»). 14.05 «Ғолиблар». 15.05 Грузия ССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. 15.55 Леонид Биковнинг фильмлари ва роллари. «Максим Перепелица». Бадиий фильм («Ленфильм»). 17.25 Мультфильмлар: «Тулки оға, соғлиқлар қалай?», «Эзгу орзу», «Ивасик-Телесик». 17.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Швебеш Халль шаҳрида қудуқ ёнида сомса байрами» (АРД, ГФР). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Г. Свиридов. «Кичик триптих». 19.25 «Джиндер ва Фред». Бадиий фильм (Италия, Франция, ГФР). 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Эфирда мусиқа».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Волганинг олтин туби». Волгада ёғоч ташиш муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 9.15 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Фестиваль сабоқлари». 9.55 «Қилич ва қалқон» Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 1-фильм — «Ихтиёр ўзимда эмас», 2-фильм — «Яшаш шарт». 10.00 «Одам ва экология». Халқаро конгресс иши ҳақида ҳисобот. 15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Остоженкода, қизил чодраларда». 18.35 Мультфильмлар: «Ҳамманинг ёқимтойи», «Ўрмон концерти». 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Харитонов. 19.45 «Пи» белгиси билан». 1-қисм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушукчани танлаймиз». 20.45 «Пи» белгиси билан». 2 ва 3-қисмлар. 23.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 00.30 «Тунги сеанс». «Кинонинг унутилмас саҳифалари». Киноконцерт; «Квартирага ордери бор киши». Бадиий фильм. (Польша).

АДИБ ИЖОДИ ҲАҚИДА БЕЛЛАШУВ

Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика билим юртида ўзбек совет адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланиб «Бахт ва шодлик куйчиси» деган темада адабий-музикали викторина бўлиб ўтди. Викторинада билим юртининг ўзаро учта группаси талабалари мусобақалашдилар. Мусобақада биринчи группа талабалари ғолиб чиқишди. Айниқса, студентлардан Гулноз Насимова, Юлдуз Саидовалар биринчи совринли ўринларни эгаллашди. Ҳабиба Ҳайдарова, Мақсуда Рўзиева иккинчи, Шаҳодат Пўлатова учинчи мукофотли ўринларнинг эгалари бўлдилар. Викторина ғолибларига билим юрти маъмуриятининг эсдалик совғалари, Ҳамид Олимжоннинг китоблари тақдим этилди. Кечада адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган фотомонтаж, деворий газеталар чиқарилди. Ғоятда қизиқарли бу кечани ўтказишда билим юртининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Хурсанд Саидова ташаббускор бўлди.

Акбар ҲАЙДАРОВ.


ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

Уч вилоятнинг — Андижон, Фарғона ва Наманганнинг қирғиз миллатига мансуб аҳолиси она тилида мунтазам радио эшиттиришларини тинглаш имконига эга бўлди. Андижон вилояти радиоси қирғиз тилида эшиттиришлар бошлади.

Қирғизистоннинг қўшни Уш вилояти биринчи эшиттиришни тайёрлашда катта ёрдам кўрсатди. Эшиттиришлар ҳафтада икки маротаба эфирга чиқади, энг долзарб мавзуда: қайта қуриш, миллатлараро муносабатлар, иқтисодиёт, фан, маданият масалалари юзасидан эшиттиришлар олиб борилади. Энди Андижон вилояти радиоси тўрт тилда: ўзбек, рус, қрим татар ва қирғиз тилларида эшиттиришлар олиб бормоқда.

(ЎзТАГ).





Спортни жону-дилидан севган кишилар учун ҳар тўрт фаслнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади. Лекин, айниқса, қишли-қировли кунларда музлек совуқ сувда чўмилишнинг ўзи бўладими дерсиз? Унда мана бу суратга қаранг, изоҳга ҳеч ўрин ҳам қолмайди... (Ўнгдаги сурат).

«Ким айтди сизга, мени осмонда учолмайди деб».

В. ЯЦИН суратлари. (ТАСС).

ИСПАНИЯДАН ХУШХАБАР

Мамлакатимиз футболида кейинги йилларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган Днепропетровскнинг «Днепр» клуби шу кунларда чет эл сафарида юрибди. Чунки Европа чемпионлари кубоги беллашувлари олдидан қаттиқ тайёргарлик кўрилмаса кейин аттанг деб қолиш ҳеч гап эмас. Португалиянинг «Бенфика» клуби билан майдонга тушишнинг ўзи бўладими?

Футболчиларимиз илк учрашувни Мадриднинг энг машҳур «Реал» командаси билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни «Днепр»нинг энг кўзга кўринган ўйинчиларидан Кудрицкий ҳамда Сонлар киритишди.

Бу уларнинг ўз майдонларида биринчи мағлубиятидир. Мутахассисларнинг қайд қилишларича, «Реал»да вақтинча дам олишга рухсат берилган Санчес, Гордильо, Шустер ҳамда Бутрагеньоларнинг ўйинда иштирок этмаганлиги анча сезилиб қолди. «Днепр» составида қуйидаги ўйинчилар майдонга тушишди: Краковский, Бенько (Жидков, 57), Сидельников (Беженар, 12), Герашенко, Яравенко, Юдин, Тишенко, Багмут, Ледяхов (Москвин, 73), Кудрицкий ва Сон.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Машғулотлар бошланди

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясида истиқомат қилувчи Ҳамдам Ҳайитов ўғли Зоҳиджоннинг икки оёғи ногиронлигини, мактабга қатнаб ўқий олмаслигини, шу сабабли уни бирон-бир мактабга бириктириб қўйишни илтимос қилиб, редакциямизга мактуб йўллаган эди.

Хат чора-тадбир кўриш учун ноҳия халқ таълими бўлимига жўнатилди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

«1989 — 1990 ўқув йилининг бошидан бошлаб Зоҳид Ҳайитов ноҳиядаги Лутфий номли мактабга индивидуал ўқиш учун бириктириб қўйилди.

Айни кунда унга ҳафтасига тўрт соатдан (икки ярим соат она тили, бир ярим соат математика) дарс ўтилмоқда.

Дарсларнинг мунтазам, сифатли ўтиши учун ўқитувчи Худойбердиев масъул қилиб бириктирилган. Мактаб маъмурияти Зоҳид Ҳайитовнинг ўқишини мунтазам назорат қилиб турибди.

Ноҳия халқ таълими бўлими мудири: И. НОРМУРОДОВ».

Тадбирлар белгиланди

«Ором» болалар боғчасида мудира бўлиб 1988 йилнинг апрель ойидан буён ишлайман. Мен ҳам барча педагоглар қатори болаларни коммунистик руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшсам, — деб ёзади Ургут ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳабиба ҚОДИРОВА. — Лекин 1989 йил март ойидан бошлаб, правление қарорига биноан «штат қисқарди» баҳонасида боғчамизда ишлаб турган медицина ҳамшираси, хўжалик мудири, тарбиячи ва менинг маошимни камайтириб қўйишди. Правление раисига мурожаат қилдим. Лекин натижа чиқмаяпти».

Ушбу хатга Ургут ноҳияси ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. РЎЗИҚУЛОВдан жавоб хати келди:

«Калинин номли жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳисобга олиниб, иккита болалар боғчаси учун битта медицина ҳамшираси ва битта хўжалик мудири вазифаси белгиланган. Бу қарорга колхозчиларнинг умумий йиғилишида келишилган. Ана шу йиғилиш қарорига биноан «Ором» болалар боғчаси мудирига 110 сўм миқдорида маош тўланмоқда.

Правление болалар боғчаларидаги аҳвол билан тўла танишиб чиқиб, уларда ишловчиларнинг маоши масаласини келгуси умумий йиғилишда ҳал қилишга қарор қилди».

Қаттиқ хайфсан берилди

Ленинград ноҳиясида таҳсил кўрувчи бир группа мактаб ўқувчилари 086 медицина справкасини олиш учун ноҳия поликлиникаси регистратура бўлимига 1 сўмдан пул тўлашга мажбур бўлаётганликлари ҳақида бизга мактуб йўллашганди.

Хат текшириш учун ноҳия халқ контроли комитетига юборилди.

«Ленинград ноҳия халқ контроли комитети шуни сизга маълум қиладики, —дейилади ноҳия халқ контроли комитетининг раиси Т. ҲАЙИТОВ имзоси билан жўнатилган мактубда, — шикоятда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди. Ўз ишига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун ноҳия медицина бирлашмаси методика кабинети мудири П. Абдуллаев қаттиқ огоҳлантирилди.

Шунингдек, Бувайда ноҳияси босмахонаси ишчилари М. Содиқова, ҳамда М. Болтаевалар коллектив кенгашида муҳокама қилиниб, уларга ҳам қаттиқ огоҳлантириш берилди. Босмахона ишчиларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганлиги учун директор Х. Назаровга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди».

Қайта терговга юборилди

«Ш. Қодировнинг ўғли Р. Қодировнинг ўлимига айбдор шахс Турдиевга нисбатан чора кўрилмаётганлиги ҳақидаги аризаси Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 1988 йил 11-ноябрда Деҳқонобод ноҳиясидаги «Деҳқонобод» совхози ҳудудида «ИЖ-П-4» маркали мотоцикл «ЗИЛ — 130» маркали автомашина билан тўқнашиб, авария содир бўлган. Мотоциклни Р. Қодиров, автомашинани эса Б. Турдиев бошқарган. Натижада оғир тан жароҳати олган Р. Қодиров воқеа содир бўлган жойнинг ўзида вафот этган.

Мазкур факт юзасидан Деҳқонобод ноҳияси ички ишлар бўлими Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-моддаси, 2-банди билан жиноий иш қўзғаган. Тергов якунларига кўра, Ўзбекистон ССР жиноят процессуал кодексининг 5-моддаси 2-бандига мувофиқ Б. Турдиев ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун жиноий иш бир неча марта ҳаракатдан тўхтатилди. Сўнгги марта жиноий иш Ғузор ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси Э. Пардабоевнинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР жиноят процессуал кодексининг 5-моддаси, 2-банди билан 1989 йил 10 июлда тўхтатилди.

Терговчининг бу қарори вилоят прокуратураси томонидан учинчи август 1989 йили бекор қилинди ва жиноий иш суд-автотехник, суд-медицина ва транспорт-трассология экспертизаси ўтказилиши лозимлиги кўрсатилиб, вилоят ички ишлар бошқармасининг тергов бўлимига қайта тергов ўтказиш учун юборилди.

Бироқ, Ғузор ноҳияси катта терговчиси И. Элмуродов вилоят прокуратурасининг 7 сентябрь 1989 йилги кўрсатмасини тўлиқ ҳажмда бажармай, ЎзССР жиноят процессуал кодексининг 5-моддаси, 2-банди билан жиноий ишни яна ҳаракатдан тўхтатди.

Бу қарор вилоят прокуратураси томонидан бекор қилинди ва иш Ғузор ноҳияси прокуратурасига қўшимча терговни ташкил қилиш учун юборилди.

Ғузор ноҳияси ички ишлар бўлими катта терговчисига нисбатан вилоят прокуратураси томонидан меҳнат ишлаб чиқариш интизоми бўйича иш қўзғатилди.

Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси С. РАҲИМОВ».

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2314.
Р. — 03040.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.